O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI
SHOVOT TUMANI HOKIMINING
QARORI

2021 - yil 15 - oktabr 83-12-177-Q/21 Shovot tuman hokimligi

Автомобиль йўлларида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида тегишли йўл белгиларини ўрнатишга рухсат бериш тўғрисида

“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги *(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон,320-модда)*, “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги *(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 15-сон, 197-модда)* Ўзбекистон Республикаси қонунларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 декабрдаги 370-сон Қарори билан тасдиқланган “Йўл ҳаракати қоидалари”га *(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 3-сон, 23-модда)* асосан туманда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Шовот тумани ИИБ ЙҲХГ катта инспектори лейтенант С.Сапаевнинг 2021 йил 12 июлдаги 4187-сонли ва Шовот тумани “Асавей” маҳалла фуқаролар йиғини раисининг туман ҳокими номига, йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш борасида тегишли йўл белгиларини ўрнатиш юзасидан ёзган мурожаатлари қаноатлантирилсин.

2. Шовот тумани “Асавей” маҳалласидаги А.Қаххор ва Гулистон кўчаларини туташтирувчи йўлнинг иккала томонига тақиқловчи 3.18.1 “ўнга бурилиш таъқиқланган” ва 3.18.2 “чапга бурилиш таъқиқланган” йўл белгилари ўрнатишга рухсат берилсин.

3. Туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси (Ш.Отажанов), туман Ободонлаштириш бошқармаси (М.Курбанов)лар Туман ИИБ ЙҲХГ катта инспектори билан биргаликда Шовот тумани “Асавей” маҳалласидаги

А.Қаххор ва Гулистон кўчаларини туташтирувчи йўлнинг иккала томонига 3.18.1 “ўнга бурилиш таъқиқланган” ва 3.18.2 “чапга бурилиш таъқиқланган” йўл белгиларини ваколатлари доирасида меъёрий ҳужжатларда кўрсатилган тартибда ўрнатилишини таъминлаш чораларини кўрсин.

4. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

5. Туман ҳокимлиги ахборот хизмати (М.Искандарова), туман ҳокимлиги бош юрисконсульти (Ё.Тўхтабоев) билан ҳамкорликда;

мазкур қарорни туман ҳокимлигининг shovottuman.uz расмий веб-сайтига жойлаштирсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш йўлларда ҳаракатланиш ҳавфсизлигини таъминлаш комиссияси раиси, туман ҳокимининг ўринбосари Б.Отажанов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **Х.А. Отахонов**